


# **Туманда Давлат хизматлари агентлиги фаолияти ҳақида Медиа тур**



**Уч йил муқаддам Президентимизнинг “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармониغا асосан Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат**

**хизматлари агентлиги ташкил этилиб, тадбиркорлик субъектларига “Ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари Давлат хизматлари марказларига айлантирилганди.**

*Ҳозир давлат хизматлари марказлари орқали 160 та турдаги давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Давлат хизматларини кўрсатиш муддатларини кўрсатиш муддатлари эса икки баробарга қисқарди.*

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш 10 кунгача муддатда амалга оширилиб, 7 хил ҳужжат талаб қилинган. 2017 йил 1 апрелдан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилиб, рўйхатдан ўтказиш реал вақт режимида, лекин 30 дақиқадан ошмадиган фурсатда амалга оширилиши белгиланди. ДХМ га келиш имкони бўлмаган фуқаролар учун дам олиш кунлари сайёр давлат хизматлари тақдим этилмоқда.

Юртдошларимизга янада кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида 2019 йилнинг 1 апрелидан бошлаб барча хизматлар экстерриториал тамойил бўйича йўлга қўйилди, яъни фуқаролар исталган ҳудуддаги давлат хизматлари марказларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлди.



